

15-Iyun, 2026-yil

БАЧАДОН БЎЙНИ ЭКТОПИЯСИ МАВЖУД АЁЛЛАРДА РЕПРОДУКТИВ ЙЎҚОТИШЛАРНИНГ ҲОМИЛАДОРЛИК ПАРИТЕТИ, СУНЬИЙ АБОРТ ВА КЕСАРЧА КЕСИШ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

Исломова Г.Х., Дустова Н.Қ.

*Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро ш.,
Ўзбекистон*

Долзарблик. Кўп сонли ҳомиладорлик, сунъий абортлар ва бачадон бўйнига такрорий жарроҳлик аралашувлари (кесарча кесиш) бачадон бўйни тўқимасининг травматизацияси ҳамда эктопия шаклланиши учун замин яратади. Ушбу репродуктив-акушерлик омилларининг эрта ҳомиладорлик йўқотишлари билан боғлиқлигини аниқлаш прегравидар тайёргарликни режалаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Мақсад. Бачадон бўйни эктопияси мавжуд ва эрта репродуктив йўқотишлар кузатилган аёлларда ҳомиладорлик паритети, сунъий абортлар ҳамда кесарча кесишнинг ролини баҳолаш.

Материал ва усуллар. Бетесда тизими бўйича 1–2-даражали эктопия аниқланган 110 нафар аёл текширилди: спонтан аборт кузатилган асосий гуруҳ ($n=62$, ўртача ёши $29,32 \pm 0,8$), ривожланмаган ҳомиладорлик бўлган қиёсий гуруҳ ($n=48$, $31,4 \pm 1,05$) ҳамда 30 нафар соғлом ҳомиладор аёл (назорат гуруҳи, $24,87 \pm 0,76$). Ҳомиладорлик паритети ва жарроҳлик аралашувлари ягона текшириш картаси асосида йиғилиб, гуруҳлараро фарқлар χ^2 -мезони ёрдамида баҳоланди ($p < 0,05$).

Натижалар. Ҳомиладорлик сони 4 тадан кўп бўлган аёллар асосий гуруҳда 56,5%, қиёсий гуруҳда 37,5% ва назорат гуруҳида 13,3% ни ташкил этди — асосий гуруҳда қиёсий ва назорат гуруҳларига нисбатан мос равишда 1,5 ва 4,2 марта кўп ($p < 0,001$); аксинча, битта ҳомиладорлик назоратда 50%, асосий гуруҳда эса атиги 19,4% аниқланди. Туғмаган (паритети 0) аёллар назорат гуруҳида 53,3%, асосий гуруҳда 21,0% ва қиёсий гуруҳда 27,1% ни ташкил этди; туғруқлар сони 3 ва ундан ортиқ бўлганлар қиёсий гуруҳда 27,1% (назоратда 6,7%; тахминан 4 марта кўп) қайд этилди. Такрорий (2 ва ундан ортиқ) кесарча кесиш қиёсий гуруҳда 25,3%, асосий гуруҳда 11,3% бўлса, назорат гуруҳида умуман учрамади. Сунъий аборт кўрсаткичи асосий гуруҳда 30,6%, қиёсий гуруҳда 16,7% ни ташкил этиб, назорат гуруҳига (6,7%) нисбатан сезиларли юқори бўлди ($p < 0,01$).

Хулоса. Кўп сонли ҳомиладорлик ва юқори паритет, сунъий абортлар ҳамда такрорий кесарча кесиш бачадон бўйни эктопияси мавжуд аёлларда эрта репродуктив йўқотишларнинг мустақил акушерлик хавф омиллари ҳисобланади. Ушбу омилларни ҳисобга олиш юқори хавф гуруҳларини шакллантириш ва абортлар сонини камайтиришга қаратилган индивидуал прегравидар тайёргарликни белгилаш имконини беради.

15-Iyun, 2026-yil

Калит сўзлар: бачадон бўйни эктопияси; ҳомиладорлик паритети; сунъий
аборт; кесарча кесиш; репродуктив йўқотишлар.

